



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 25 (12.838)

Баҳоси эркин нарҳда



Елкин Шамсиддинов олган сурат

ЕТУК ОФИЦЕРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН МАСКАН

Президентимиз, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондониди Ислон Каримов раҳнамолигида миллий армиямизда амалга оширилган илмий ислохотлар самарасида ҳарбий бошқарувнинг мутлақо янги ташкилий-штат тузилмаси ҳамда тизими, турли қўшинларнинг ўзаро келишиб ҳаракатланишини мувофиқлаштириш механизмлари шакллантирилди. Қуролли Кучларнинг муҳим асоси бўлган юқори малакали офицерлар таркибини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Миллий армиямиз офицерлари мамлакатимиздаги қатор олий ҳарбий таълим муассасаларида тайёрланмоқда. Ушбу таълим муассасаларининг моддий-техник базаси илмий мустаҳкамланиб, ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда, ўқитишнинг янги усуллари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бўлажак офицерлар замонавий ўқув дастурлари асосида ҳарбий санъат ва академик фанлар бўйича чуқур билим олмақда.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Қуролли Кучларимизнинг мотўқчи, чегара, разведка, радиоэлектрон разведка бўлинмалари учун офицерлар тайёрланади.

Ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан яхши таъминланган, аждодларимиз анъаналари ва жасоратини ўзига сингдирган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир миллий армиямиз мустақил Ватанимиз тинчлиги ва барқарорлигининг қафолатидир.

Таълим муассасасининг ўқув бинолари, спорт ва машғулотларга мўлжалланган иншоотлари бўлғуси офицерлар ихтиёрида. Курсантлар чуқур ва пухта ўйланган тизим бўйича ўқитилмоқда. Ушбу тизим ҳарбий, умумий, гуманитар ва махсус фанларни ўқитиш, жисмоний тайёргарлик ва реал шароитларга яқинлаштирилган амалий машғулотларни ўз ичига олади.

Курсантларга назарий билим бериш жараёни одатий олий ўқув юртлиридаги машғулотларни эслатса-да, аудиторияларда оддий талабалар эмас, балки ҳарбий кийимдаги бўлғуси офицерлар таҳсил олмақда. Улар маърузаларни кунт билан тинглаб, лабораторияларда тажриба ўтказиши, амалий машғулотларда қурол ва ҳарбий техниканидан фойдаланиш меъёрларини бажаради. Шунингдек, курс ишларини ҳимоя қилиб, имтиҳон топширади ва маданий тадбирларда фаол

иштирок этади. Таъкидлаш жоизки, билим юртида чет тилларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, курсантлар чет тилларни ҳам муваффақиятли ўрганмоқда. Жумладан, ҳар бир курсант камида битта чет тилини пухта ўзлаштириб, бу борадаги билимини мунтазам мустаҳкамлаб бормоқда.

Турли интеллектуал танловларда эришилаётган галабалар Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсантларнинг чуқур билимига эга эканини намойиш этади. Масалан, билим юрти жамоаси инглиз тили бўйича ўтказилган республика виқторинасида мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртлири жамоаларини ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллади. Албатта, бўлғуси офицерларнинг тартибли ва интизомлилиги самарасида шундай юқори натижага эришилди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Сайлов — 2015

САЙЛОВ ОҚРУГЛАРИДА ИШ ҚИЗГИН

Президентимиз Ислон Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлат ва жамият қурилиши соҳасини, ҳуқуқий тизим, жумладан, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Шу асосда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар сайлов жараёнини либераллаштириш, унинг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш имконини яратди.

Мамлакатимизда шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қизгин ҳозирлик кўриляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округида ҳам сайловни юқори савияда ташкил этиш учун барча шароит яратилмоқда. Округ сайлов комиссияси раиси, ўринбосари, котиби ва округ сайлов комиссияси аъзолари фаолият кўрсатиши ҳамда матбуот хизмати учун алоҳида хоналар мавжуд бўлиб, улар зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Сайлов тўғрисидаги қонунчиликни сайловчиларга кенг тушунтириш, уларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриши учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди ЎЗА мухбирига округ сайлов комиссияси раиси Ж.Иноғомов. — Айни пайтда округ сайлов комиссиясининг иш режаси тасдиқланган. Сайлов комиссияси аъзоларининг навбатчилиги ташкил этилган. Сайловни ёритиш бўйича матбуот маркази зарур адабиётлар, услубий қўлланмалар билан таъминланган.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи қафолатлари тўлиқ амалга ошиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш алоҳида эътиборда. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ аҳоли, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулоти ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ваколатлари доирасига сайлов участкаларини тузиш, уларнинг округ бўйича тартиб рақамини белгилаш, манзилни кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилиш, участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш қиради. Шундан келиб чиқиб, пойтахтимизда 653 сайлов участкаси тузилди. Участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг манзилни кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчилар белгиланган вақтда хабардор этилади. Сайловни ташкил этиш ва ўтказишга оид яратилган қонуний асослар мамлакатимизда сайловларнинг очиқлик, ошкоралик руҳида, юқори савияда ўтказилишини таъминлашга хизмат қилади.

Н.АБДУРАИМОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислон Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар ҳар томонлама ўрганиб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Б.Алихонов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган жамиятимизни модернизациялашга йўналтирилган кенг кўламли ислохотлар жараёнида экологик мувозанатни сақлаш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган доимий эътибор барқарор ривожланиш омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг ташкил этилиши ва жаҳон парламентаризми тарихида илк бор Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 15 депутатлик ўрни мазкур жамоат ташкилоти аъзолари

ри учун ажратилиши мамлакатимизда келажак тараққиётга дахлдор ушбу долзарб масалага давлат даражасида эътибор қаратилганнинг яққол ифодасидир.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи бу борадаги устувор вазифаларни бажариш мақсадида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Ўтган даврда табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофазалаш, соғлиқни сақлаш, бу йўналишдаги ишларда фуқаролик жамияти институтлари ва аҳолининг фаоллигини оширишга йўналтирилган тўққизта қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Кенг аҳоли ишти-

роқида долзарб экологик муаммоларга бағишланган кўлаб анжуманлар ташкил этилди. Қонунлар ижроси юзасидан парламент назоратини кучайтириш, экологияга оид давлат дастурларида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ҳаётга татбиқ этилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг маърузасида қайд этилган чора-тадбирларни илмий амалга ошириш, экологик қонунчиликни янада такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги жараёнига малакали олимлар, эксперт ва мутахассислар, кенг жамоатчиликни жалб этиш, ишлаб чиқилаётган лойиҳаларнинг атроф-муҳитдан фойдаланиш соҳасида шахс, жамият, давлат манфаатлари уйғунлигини таъминлаш бўйича истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

XXI саҳоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда «Анъаналар давом этади» шиори остида миллий ҳунармандлик маҳсулотлари фестивалъ-ярмаркаси бўлиб ўтди. Тадбир доирасида Андижон педагогика, миллий ҳунармандлик, санъат ва транспорт касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган қизлар томонидан намойиш этилган миллий либослар кўргазмаси, айниқса, йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

• Фарғона вилояти Тошлоқ тумани иқтисодиёт касб-хунар коллежида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

• Бухоро вилояти ҳокимлиги хузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича вилоят комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг соғлиғи, таълим-тарбияси, ижтимоий муҳофазаси бўйича амалга оширилган ишлар атрофича таҳлил қилинди.

• Андижонда 2015 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, тизимдаги янгиликлар ва солиқ тўловчилар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган семинар ўтказилди.

• Тошкент вилоятида 2014 йил бандлик дастури асосида 87 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг 34 мингдан зиёд битирувчиси иш билан таъминланди.

ЖАҲОНДА

• Ҳиндистон ҳарбий ҳаво кучларига тегишли вертолёт кулаб тушди. Бу ҳақда «NDTV» телеканали хабар тарқатди. Кўнгилсиз воқеа мамлакат шарқидаги Димапур шаҳрида юз берган. Фожиа оқибатида ҳеч ким жабрланмаган.

• Бостон университети тадқиқот маркази мутахассислари смартфон ва планшетлар болаларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, деган фикрни илгари суришяпти. Тадқиқотларда аниқланишича, ушбу технологиялар болаларни ўзини ўзи назорат қилиш фазилатидан маҳрум этади.

• АҚШнинг Ўрта Фарб ва шимоли-шарқий ҳудудларида кучли қор бўронлари кузатилаётгани туфайли авиакомпаниялар икки мингдан зиёд рейсларни бекор қилди. Ўз навбатида, бир қанча парвозлар кечиктирилди. Метеорологларнинг билдиришича, ноқулай об-ҳаво шароити 100 миллион киши яшайдиган ҳудудни камраб олган.

